



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

**Тарих факультети
Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналишининг
4 «Е» гуруҳ талабаси**

Қобилов Мақсаджоннинг

КУРС ИШИ

**Мавзу: Ислом динидаги ахлоқий фазилатлар ва унинг
ҳозирги даврдаги аҳамияти.**

Илмий раҳбар:

Ж. Давлатов

Қўқон - 2011 йил.

МАВЗУ: ИСЛОМ ДИНИДАГИ АҲЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР ВА УНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ АҲАМИЯТИ.

РЕЖА:

К И Р И Ш

1. БОБ ДУНЁВИЙ ДАВЛАТНИНГ ДИНГА МУНОСАБАТИ.

1.1. Миллий ва диний қадриятларнинг уйғунлашуви

1.2. Дин ва давлат ўртасидаги муносабат.

2. БОБ. АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯДА ҲАДИСЛАРНИНГ ЎРНИ..

2.1. Ҳадис илми

2.2. Имом ал – Бухорий – Ҳадис илмининг устози.

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

*Диннинг халқимиз маънавиятига,
руҳиятига ўтказаётган ҳаётбахш таъсирини
кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти
янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз
эътиқодига ва динига амал қилиш ёки ҳеч қайси
динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга..*

И.А.Каримов

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг конституцион таъминланиши фуқароларда дин ва диний қадриятларга нисбатан адолатли ва холисона муносабатни белгилаш имкониятини яратди.

Янги таҳрирдага қонун Республикамиз Конституцияси тамойилларига асосланиб, виждон эркинлигини амалга оширишнинг оқилона демократик ечимини топди. Қонун фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминламоқда.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий омиллар тобора биринчи ўринга чиқиб бораётган ҳозирги шароитда халқимизда, хусусан ёшларда дин ва ундаги реал қадриятларга маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида қараш шаклланимоқда. Ёшларда миллий ва диний қадриятлар ҳамда динлар тарихини ўрганишга қизиқиш эҳтиёжи ортмоқда. Ҳозирги замон фани ва илғор қарашлари асосида тайёрланган ушбу битирув малакавий иши ўқувчиларга ислом динининг моҳияти, тарихи, эволюцияси, ҳозирги ҳолати, инсоният ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида умумий илмий маълумот беришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси анъанавий ислом дини кенг тарқалган ҳудудлардан эканлигини ҳисобга олиб, бу минтақада VIII асрдан бошлаб ислом ягона ҳукмрон динга айланганлиги сабабли унинг шахс, оила, жамият ҳаётига кириб бориши, маданияти ва маънавиятни бойитишга қўшган ҳиссаси хусусида ёшларни илмий, фалсафий, бинобарин дунёвий билимлар билан кенгрок, батафсил куроллантириш кўзда тутилади. Ўқувчиларга ислом маънавияти, миллий ва диний қадриятларни тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятларга уйғунлашиши, ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини тушунтириш тавсия этилади. Шунингдек, Миллий ғоя ва ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг диний илдизлари изоҳланади.

Миллий ва исломий қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиши каби муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилган. Мазкур битирув малакавий иши ўқувчи ва талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида илмий хулосалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик" муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган илмий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган.

Мазкур мазкур битирув малакавий ишидан умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда ўқитиладиган “Диншунослик” фанида, шунинингдек олий таълим муассасаларида маънавият - маърифат соатларида фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий ишида тарғибот – ташвиқот ишларида ҳам фойдаланиш мумкин чунки, талабалар мустақил давлатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимиз ривожланишининг устувор йўналишларини, кенг кўламда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг моҳиятини, миллий ғоянинг моҳият мазмунини чуқур билиши ва халқ онгига уларни сингдириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришлари яъни мафкуравий тарбия билан шуғулланишлари уларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Мафкуравий тарбиянинг асосида фалсафий, тарихий ва диний билимлар мужассамлашган бўлиши лозим яъни шу уч буюк асос, ана шу уч буюк манбааларни мукаммал ўзлаштирган талабагини ҳам етук ўқитувчи, ҳам етук тарғиботчи бўлиши мумкин. Айниқса бугунки кунда ислом динига мутлақо бошқа бир кифо бериб, уни жангарилик, шафқатсизлик ва кимларгадир қарам қилиш учун, давлат ичида ифвогарлик ҳаракатини олиб бориш мақсадида исломнинг асл моҳиятини бузиб кўрсатувчиларга қарши курашиш учун ҳам ислом динининг маънавиятини чуқур билмоқ зарур.

Халқимизни маънавий тикланишида ислом дини ва унинг маънавий қадриятларининг аҳамиятининг нақадар буюклигини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ юқори баҳолаган. “Ислом дини – бу ота – боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон – жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларига амал қиладилар. Меҳр – оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат – эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар....

Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз – ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпйтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган.

Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа бир сўз билан айтганда, умум халққа раҳнамо бўлган. Уни оғир – оғир синовларга бардош беришига, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват одамларга куч – қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир – бирига меҳр оқибатини оширган.”¹

Бу теран фикрлар ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб турибди, айни пайтда ислом динини сохталаштиришдан ташқари “”оммавий маданият””деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, нурмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган ҳатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

¹ Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, “Ўзбекистон” 1998 йил, 279 бет.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимаслик, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаётига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало – казодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳимлигини англаб олмоқда”²

“Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб – ўсиб келаётган ёш авлодларимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.”³

Бизнинг фикримизча мазкур битирув малакавий иши юқоридаги кўрсатмаларга камтарона жавобимиз бўлиб, унда ўқувчи ва талабаларни ислом динининг асл мақсади, маънавий моҳияти, халқимизнинг миллий қадриятларига айланган жиҳатлари билан таништиради. Битирув малакавий ишида иложи бориша шахсий фикр ва баҳолардан четланиб асл ислом дини манбаалари, Қуръон Карим ва Ҳадису Шарифлардан, диний уламо ва олимларнинг фикрларидан фойдаланиб берилган материаллар ислом дининг асоси ва маънавиятини чуқур ва теран англаш имкониятини беради. Мазкур битирув малакавий иши ҳозиргача ушбу масалалар бўйича аниқ бир кўрсатмага эга бўлмаган маҳалла фуқаролари йиғинларининг маънавий – маърифий ва диний ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари учун қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавичт” 2008 йил, 117 бет

³ Ўша асар, 37 бет

ДУНЁВИЙ ДАВЛАТНИНГ ДИНГА МУНОСАБАТИ.

Миллий ва диний кадриятларнинг уйғунлашуви

Маълумки, ҳар бир миллат тарихан динларнинг бирортаси таъсирида бўлади, унга имон келтиради, эътиқод (ихлос) қилади. Жаҳон динлари ўз моҳияти жиҳатидан байналминал хусусиятга эга бўлса-да, аммо улар миллий кадриятларни сақловчи, эъозловчи ва ривожлантирувчи маънавий восита сифатида ҳам майдонга чиқади. Шунинг учун кўпинча миллат диний шиорлар остида ўз мустақиллиги учун курашади. Масалан, 1918-1923 йилларда Ўзбекистондаги миллий-озодлик уруши ислом шиорлари ва кадриятлари асосида борган. Чунки маҳаллий аҳолининг миллий асосий кўпчилиги диний кадриятлар орқали миллий кадриятларни англаб келганлар, бинобарин, миллат шаънини диний кадриятлар орқали ҳимоя қилганлар. Демак, ўша тарихий вазиятда мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик учун курашга халқ оммасини сафарбар этишда диний шиорлар қўл келган. Бироқ, истиқлолчилик ҳаракатининг асосий мафкурачилари ислом ақидапарастлари бўлгани сабабли миллат шаънини ҳимоя қилишда бирлик, жипсликка путур етган, оқибатда рус большевиклари миллий-озодлик ҳаракати қатнашчиларининг ораларини бузишга эришиб, осонликча тор-мор келтириш имкониятига эга бўлганлар. Демак, диний кадриятларнинг миллий кадриятлар уйғунлашуви жараёнига конкрет (аниқ) тарихий нуқтаи назардан ёндашиб, баҳолаш ва муносабат билдириш лозим. Баъзи бир тарихий шароитда конкрет мамлакатда диний кадриятлар билан миллий кадриятларнинг уйғунлашуви ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига хизмат қилса, бошқа бир мамлакатда ва бошқа бир тарихий шароитда у тараққиёт ва инсон камолоти заволи ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, ижтимоий онг диний ва миллий кадриятлар билан қоришиб кетиши динларнинг сиёсийлашуви учун ғоявий негиз бўлиб, реал миллий кадриятлар диний кадриятлар билан алмашинади. Натижада диний заминда миллатлараро можаролар, катта-катта урушлар ҳам келиб чиқади. Ваҳҳобийлик, хизбуттаҳрирчилик ғоялари араб — мусулмон оламида тарқалган бўлса-да, ҳар бир мамлакатда улар гўёки миллий манфаатларнинг ҳимоячилари сифатида ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Миллий кадриятларни тушунмаган, ўз миллати шаънини унутган баъзи кимсалар уларга эргашиб, ўз миллатига хиёнат қилишгача бориб етадилар.

Миллатлараро ва динлараро муносабатлар инсонпарварлик йўналишида қарор топиш ва муомала маданиятида катта тарихий тажриба тўплаган ўзбекларда миллий ва диний бағрикенглик миллат шаъни учун курашнинг бир шакли сифатида намоён бўлади. Бу ҳол Ўзбекистонда яшаётган ва турли диний эътиқодга эга халқлар, миллат ва элатлар намояндаларига қўлни-қўлга бериб, буюк истиқбол учун курашда яқдил бўлишлари учун ўзига хос шарт-шароит вазифасини ўтамоқда.

Барча динлар жумладан ислом дини кадриятларини чуқур ўрганиш, уларнинг имкониятларидан миллатлараро тотувликни таъминлаш йўлида самарали фойдаланиш миллий уйғониш, миллий тикланиш жараёнининг

муҳим томонидир.. Диний қадриятлар миллий, умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Инсонпарварлик, адолатпарварлик, кўшничилик, бошқа миллат вакилларига ҳурмат билан қараш ҳақидаги диний қадриятларнинг замини ижтимоий ҳаётнинг ўзидадир. Ҳар қандай қадрият инсон қалби ва онгига чуқур сингиши, унинг эътиқодига айланишининг муҳим шартидир. Дин ҳам жамиятдаги ижтимоий муҳитни барқарорлаштиришга, такомиллаштиришга қаратилган ғоявий қарашлардан биридир.

Диний ахлоқ ҳамда ҳуқуқни моҳияти ва мезонларининг чуқур ўрганиш, уларни ҳаётга жорий этиш комил инсонни тарбиялашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Диний мерос ва қадриятларнинг миллий уйғорниш ва покланишга, барча миллат вакиллари тенг кўришга, шу орқали миллий тикланишга кўрсатаётган ижобий таъсири ҳам шундадир. Шу билан бирга диний қадриятларини миллатлараро тотувликни таъминлаб беришдаги аҳамиятнинг хаддан ташқари бўрртириб юбориш керак эмас. Юрт тинчлиги, барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаб беришда диний ғояларнинг роли катта бўлсада у асосий ва ёлғиз мезон бўла олмайди.

Миллатлар учун зарур бўлган миллий уйғониш, руҳий покланиш диний анъаналарга риоя қилишгина эмас, балки асосий дунёвий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларнинг ҳал этишга йўл излашдир.

Дунёнинг айрим мамлакатларида диний қадриятларни оёқ ости қилиш, эътиқодга қараб ажратишга қилинаётган ҳаракатлар турли миллат вакиллари ўртасида келишмовчиликларни келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ айрим минтакалардаги фожеалардан хулоса чиқарган ҳолда, ҳамда диний қадриятлардан тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда республикамызда исломдан ташқари яна кўплаб рўйхатдан ўтган диний конфессиялар фаолият кўрсатишмоқда. Улар диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондириш жараёнида миллий заминда **можаролар чиқишига йўл қўймаслик учун ҳам курашмоқдалар.** Бинобарин, миллий ўзликни англаш инсоний йўналишда ривожланишга муносиб ҳисса қўшиб, ўзлари мансуб бўлган **миллат шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қилмоқдалар.** Зеро, миллий ўзликни англаш чинакам байналминалчилик ҳис-туйғулари ҳам ривожланган бўлишини тақозо этади. Буюкмиллатчилик, буюкдаватчилик шовинизм, миллий калондимоғлик ва диний мутаассибликка қарши кураш жараёнида миллат шаъни-шавкати ва шуҳрати ошиб борадики, буни асло унутмаслик зарур.

Ўзбеклар тарихан бошқа халқлар, элатлар ва миллатлар ҳамда ўзга диний эътиқод эгалари ҳис-туйғуларига зўр ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган жаҳондаги заковатли миллатлар сирасига кирадилар. Саҳоватпешалик, очикқўнгиллик, раҳм-шафқатлилик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, риоя-андишалик, иззат-икромлилик — булар ўзбек миллий табиат (менталитети)нинг ажралмас хусусиятлари бўлиб, бу каби фазилатлар туфайли улар ўз миллати шаъни учун курашиб келадилар.

Миллий шаън миллий ғурур, миллий ифтихор ҳис-туйғулари билан туташиб кетади. Ўзбекистонда тайёрланадиган маҳсулотлар жаҳон бозорида севиб харид қилинишидан ғурурланиш, ундан ифтихорланиш ҳис-туйғусига эга бўлган кишилар ёмон, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан ор-номус қиладилар. Бу билан миллатимиз шаънига шаън қўшган бўладилар. Ҳар бир миллатнинг вакили, қандай соҳада бўлмасин жаҳон миқёсида катта ютуққа эришса, бу шу миллат вакиллари билан улар билан фахрланиши, мағрурланиш ҳисларини ҳосил қилади.

Ўзбек миллати вакиллари билан коинотга учиши, миллатимиз вакиллари билан спорт соҳасида эришадиган ютуқлари, миллий маданиятимизни дунёга танилиб бориши миллатимиз шон-шавкати янада оширади, жаҳонда шундай заковатли миллат бор экани амалда номоён бўлади.

“Миллий реал ҳаётда уни ташкил этувчи шахслардан иборат экан, ўзга миллатлар доирасида ўз миллат вакиллари билан эришган ютуқларидан хурсанд бўлиш, шу миллат вакили бўлгани билан фахрланиш ёки, аксинча, миллатдошининг бошига оғир кунларни ҳудди ўзининг энг яқинларининг бошига тушган оғир кунлар каби руҳиятнинг мавжудлиги миллий ғоянинг кудратидандир. Бундай ҳолат ҳар бир миллат вакили учун муқаддас қадриятдир”⁴

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш халқнинг маданий мероси, қадриятлари, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш асосида амалга ошироқда. Миллатнинг маданий мероси турли даврларда, турлича имкониятлар ва эҳтиёжлар асосида шаклланади. Уларни бошқача шароитларга кўра кўр-кўрона татбиқ этишга уруниши нотўғри. Қадрият даражасига кўтарилиб, ҳозир ҳам амалий аҳамият касб этган меросгина миллий уйғонишга, миллатлараро тотувликни таъминлаб беришга хизмат қилади. Янги давр хусусиятларини ўзида тўла мужассамлаштириб, бойиб, ривожланиб бораётган меросгина ва қадриятларгина ҳаётга сингади ва ривожланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатларнинг бир-бирига янада жипслаштиришга, улар ўртасидаги тотувлик ва иноқликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган миллий, диний маросимлар, урф-одатлар ва анъаналар тикланмоқда ҳамда ривожланмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий муносабатларни ташкил этишдаги олиб бориладиган ижобий ишлар ҳар бир миллат вакили учун ўз миллат шаън-шавкати ошириш, унинг шон-шувратини кўтариш имкониятларини кенгайтириб бериш.

Ўз миллатининг шаън-шавкати ўйламайдиган, уни юксалтиришни истамоган, унинг учун ҳаракат қилмайдиган миллат бўлмаса керак.

Шаън-шавкат ташқи таъсирлар натижасида ҳосил бўладиган ички ҳис-туйғу ва руҳнинг парвозидир. Бу ҳис-туйғунинг ривожланиши ва миллий

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир). Ўзбекистонни янги қонунлари.-Т. 19, Т.: «Адолат», 1998.2 б.

руҳнинг парвози ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, балки тарихий хотирадан яхши хабардор индивидлар ва шахсларда у кучли равишда намоён бўлади. Уни ўрганиш, маҳсус илмий-тадқиқот объектига айлантириш галдаги вазифадир. Чунки миллат шаъни масаласи ҳали-ҳозир жиддий илмий мулоқотга кирганича йўқ. Бу фалсафий тушунчани Ўзбекистон фуқаролари тўғри англаб олишлари ҳамда илмий талқин этишлари учун миллий мафқуранинг барча воситаларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Айниқса, таълим тизимининг барча бўғинларида миллат шаъни нима, уни кимлар ҳимоя қила олади, деган саволларга аниқ-равшан жавоблар бериш, шу асосда ўз миллати шаъни-шавкати учун фидоий инсонлар шахсини шакллантириш галдаги вазифадир.

Миллат шаънини кўтаришда бугунги кунда улғайиб, вояга етиб бораётган ёшларни алоҳида ўз ўрни бордир. Ўзбекистоннинг келажаги бугунги кун ёшларининг қўлидадир. Ўзбекистон ёшлари турли соҳаларда эришаётган ютуқлари билан юртимизни дунёга танитмоқдалар ва миллатимиз шаънини улуғлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Юртимизни кўплаб иқтидорли ёшлари дунёнинг таниқли университетларида таҳсил олиб ўз қобилиятларини намоёиш этиб келмоқдалар.

Юртбошимиз ёшларимиз эришаётган ютуқлардан, миллат шаънини кўтаришга қўшаётган ҳиссаларидан фахрланиб, сизларни ўз фарзандларимдек кўраман, сизлар эришаётган ютуқлар билан фахрланаман, деган гапларни доимо таъкидлаб келмоқдалар.

2010 йилни мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши миллат шаънини кўтаришда, тинчлик ва барқарорликни таъминлаб беришда ёшларга юксак ишончлар билдирилаётганлигидан далолат беради.

Президентимиз ёшларга ишонч билдириб, шундай дейдилар, ”Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, униб ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хас хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради”.

Дин ва давлат ўртасидаги муносабат.

Ўзбекистон территориясида қадимдан турли динлар мавжуд бўлиб исломдан аввал: зардуштийлик, христианлик, яҳудийлик, ва бошқа ўнга яқин динлар мавжуд бўлган. Бу динлар, уларнинг вакиллари ўртасида бирор бир низо чиқанлиги ҳеч қайси тарихий манбааларда қайд этилмаган.

Мамлакатимизга бўлган мўғиллар босқини ҳам ислом тараққиётини тўхтатиб қўёлмади, аксинча тасаввуф таълимоти ривожланиб Марказий Осиё халқлари учун маънавий таянч вазифасини ўтади. Сарбадорлар ҳаракатида суфийлар фаол куч бўлдилар. Соҳибқирон Амир Темур эътиқоди энг ибратли диний комиллик бўлиб у ўзининг маънавий баркамоллиги,

атрофидагилар ва ўзи бошқараётган юрт фуқароларига адолати учун ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ бўлди. Унинг эътиқоди ҳар қандай мутаассибликдан холи, диний бағрикенгликка асосланган бўлиб, ўз ҳуқимронлиги даврида мавжуд бўлган бошқа динларга ҳам тўғри муносабатда бўлган. Бу эса ҳозирги давримиз учун ҳам хосдир. Собиқ иттифок давридаги атеистик қарашлар, диний эътиқоднинг ҳар қандай кўринишини таъқиб остига олишдан тубдан фарқ қилиб, Ўзбекистон Мустақил бўлгач юртбошимиз дастлабки кунларданоқ мамлакатимиз маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дининг ривожига кенг йўл очиб беради. Президентимиз ўзининг “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” номили рисоласида шундай дейди. “Дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган, Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганлигини кўрдик. Энди бу ҳил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда катта аҳамиятга эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18,31,61 – моддаларида ҳам “Дин ва виждон эркинлиги” масалаларига катта эътибор қаратилган. Унда халқимиз руҳига мос келадиган имон-эътиқод, адолат, инсоф, диёнат, меҳр – оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Бундан ташқари Конституциямизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқароларини ирки, миллати, динидан қатъий назар тенг ҳуқуқли деб билади, уларнинг виждон эркинлигини, урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилинишини кафолатлайди. 1991 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги: “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги” қонунда ҳам бу ўз ифодасини топган.

Қонунга кўра ибодат қилиш ёки қилмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий ишидир. Шунга кўра, мазкур қонуннинг “5-моддасида бир диний конфессиядаги диндорларнинг бошқа дига киритишга қаратилган хатти ҳаракати – “прозелитизм”, шунингдек, бошқа диний эътиқодга эга бўлган аҳолини ўз динига оғдириб олишлик бўйича диний ташкилотлар вакиллар томонидан амалга оширилаётган фаолияти “миссионерлик”- маън этилади. (Прозелит – ўз динидан кечиб, бошқа динга ўтган одам.)

Қонуннинг шу (5 модда) моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирор бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб қувватлайди. Ҳозирда Ўзбекистонда 16 та диний конфессия фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолиятига йўл қўймайди. Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишлари шарт.

Ўзбекистон фуқораларининг динга эътиқод қилиши, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган

кўнгилли бирлашмалар (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синегогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб аталади.

Диний ташкилот 18 ёшга тўлган ва камида 100 нафардан кўпроқ фуқоролар ташаббуси билан тузилади.”⁵ Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун меъёрлари асосида фаолият юритади. Диний ташкилотларга тегишли маълумотга эга бўлган шахслар раҳбарлик қиладилар. Ўзбекистондаги дин билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқий ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмита ва мусулмонларнинг шариат амаллари ва диний урф-одатларни бошқариш бўйича Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарлик қилади.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир). Ўзбекистонни янги қонунлари.-Т. 19, Т.: «Адолат», 1998. 5-8 б.

АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯДА ҲАДИСЛАРНИНГ ЎРНИ.

Ҳадис илми.

XI аср ҳадис илми ривождаги энг буюк давр бўлиди. Бу асрда ислом дунёсида энг нуфузли манбаалар деб тан олинган олтита ишончили ҳадислар тўпламининг муаллифлари, ислом динини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган улуғ олимлар бизнинг мамлакатимиз территориясида яшаганлар.

Ислом шариатининг асосий манбааларидан иккинчиси – суннатдир. Суннат Расуллоҳдан нақл қилинган ҳадис шарифлар орқали аниқланади. Ҳадиси шарифларда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) сўзлари, қилган иш фаолиятлари ва саҳобалар томонидан қилинган ишларни маъқуллаганлари тўғрисида ҳикоя қилинади. Шу уч услубнинг ҳар бири суннат дейилади.

Ҳадисларни йиғиб китоб шаклга келтириш асосан пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин амалга оширилган. Бир ҳадис шарифларда ўзлари айтган эдилар: “Мендан эшитган ҳадисларни яхшилаб ёдлаб, мусулмонларга етказган одамнинг юзини Аллоҳ Таоло нуроний қилсин, зеро ҳадисни етказган кишидан кўра уни эшитган зот пухтароқ олим бўлиши ва ҳадиснинг сақланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.”

Ҳадисларни тўплаб китоб шаклига келтириш ҳижратнинг учинчи асри яъни IX асрда кенгайди. Ислом оламининг маданий марказлари ҳисобланган Боғдод, Кўфа, Басра, Дамашқ, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Гурганж каби шаҳарларда ҳадис фани билан шуғулланувчи муҳаддис ва ровийлар сони ортиб борди. Бу фан масжид ва мадрасаларида улуғ муҳаддислар хузурида дарс сифатида таълим берилган бўлади. Шу тариқа қатор ҳадис тўпламлари юзага келди. Улар ичида энг ишончли манбаа саналганлари олти йирик муҳаддис тўпламлари бўлиб, уларнинг муаллифлари қуйидагилар:

1. Имом Бухорий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил) 810-870 йиллар.
2. Имом Муслим (Абул-Хусан муслим Ибн ал – Ҳажжаж ан-Найсабурий) (820-865 йиллар)
3. Имом Абу Довуд (Сулаймон ибн Исҳоқ ас-Сижистоний) 816-889 йиллар.
4. Имом ат – Термизий (Абу Исо Муҳаммад ибн Исо) 824-829 йиллар.
5. Имом ан-Насай (Абу Абдир- Раҳмон Аҳмад ибн Али) 830-918 йил.
6. Имом ибн Можжа (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Язид) 824-888 йил.

Маълумки, Қуръони каримда аҳком ва буйруқлар асосан умумий тарзда баён этилган. Масалан “Ҳаж” сурасининг 78 оятида: “Намоз ўқинглар ва закот беринглар” дейилади. Бундан намоз билан закотни адо этилишликнинг фарзлиги маълум бўлиб турибди, лекин неча вақт намоз, неча ракат ўқиш тартиб қоидалари берилмаган. Шунингдек, закотнинг фарзлиги ояти каримадан маълум, аммо унинг ҳисоби, миқдори ва адо этиш қоидалари баён этилмаган. Уларга аниқлик киритиш ва изохлаб уқдириш учун Муҳаммад (с.а.в.) ўз ҳадисларида кўрсатмалар берганлар.

“Қуръони карим ва ҳадис шарифларда ҳам “носих” ва “мансукх” деб аталувчи ҳукумлар бор. Яъни бир ҳил мавзуда бир-бирига қарама-қарши

маънодаги икки оят ёинки ҳадис келса уларнинг бири “мансух” яъни ҳукми бекор қилинган бўлиб, унга амал қилинмайди. Иккинчиси “насих”, яъни ўзидан олдинги ҳукми бекор қилувчи ҳисобланади. Бунинг хикмати шундаки, ислом дини илк тарқалган пайтларда аллоҳ, ўша давр одамларининг дунёқараши, ижтимоий аҳволи ва қобилиятига яраша аҳкомлар таклиф қилган. Кейинроқ, мусулмонлар сафи кенгайиб, ислом одамлар қалбига ўрнашиб борган сари илоҳий ҳукумлар ҳам уларнинг қабул қилиши ва эътиқодини кучайиб борганлигига қараб баъзи ўзгариш ва янгиликлар билан берила бошланаган. Ҳадиси шарифларда ҳам шундай носих-мансухлар мавжуд. Масалан, исломнинг илк даврларида Расуллоҳ (а.с.) ўз умматларини жоҳилият кучли учун мазорпараст бўлиб кетмаслиги учун мазорларга боришни маън этганлар. Кейинчалик одамларнинг имони бутунлангандан кейин, кишилар қалби фақат Аллоҳ Таолога боғлиқ бўлиб қолгач, ўзини, охиратни, ўлимни эслаши учун мазорларга боришга рухсат этганлар.

Демак, оят ва ҳадислардан ҳукм чиқаришда кўп нарсалар эътиборга олинади. Лекин ахлоқ-одобга доир оят - ҳадислар ҳукми аслида “насих” бўлмайди. Масалан, Қурони каримда ота-онани ҳурмат қилиш, камтар, сабру –қаноатли бўлиш, қилган хайр –эхсони ва яхшиликларини инкор қилмаслик каби амаллар доимо мавжуддир.”⁶

“IX асрда ҳадис таъриф этишда “муснад”, “сахих”, “суннан” деб аталган йўналишлар пайдо бўлди.

1) “Муснад” йўналишида тасниф этилган тўпламларда турли мавзудаги ҳадислар бир жойда келтирилиб, улар ҳадис ривоят қилувчи саҳобаларнинг ислом динини қабул қилган вақтига кўра ёки алифбо тартибида жойлаштирилган.

2) “Саҳих” йўналишига буюк муҳаддис имом Бухорий асос солганлар. Бу йўналишда таъриф этилган тўпламларга фақат тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган;

3) “Суннан” йўналишидаги тўпламларда эса, тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир қаторда “заиф” ҳадислар ҳам келтирилган.”⁷

Имом ал – Бухорий – Ҳадис илмининг устози

Муҳаддислар ичидаги энг машҳури “Саҳих” ҳадисларнинг бошловчиси Имом Бухорийдир. Имом Бухорий ҳадислар йиғиш ва жамлаш учун 40 йил сарфлаганлар. “Ал-Жомийъ ас-Саҳих” номли китоблари ҳақида “Китобимни ёзиш учун Шошга, Мисрга ва Жазоирга 2 марта, Басрага 4 марта бордим. У ерда 5 йил, Хижжозда 6 йил турдим. Куфа билан Бағдодга муҳаддислар

⁶ Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1998. 235- 236 б.

⁷ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Жомеъ ас-сахих (ишончли тўплам), 4 жилдлик Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.23-24 б.

билан биргаликда 7 марта бордим. Бундан ташқари Хуросон ва унинг шаҳарлари Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Машҳад, Рай, Жиболу, Хуросон, Ар, Риёд, Қоҳира, Фарабр каби бир қанча шаҳарларда бўлиб, у ердаги шайхлар, олимлар, тониқли муҳаддислардан ҳадислар ёзиб олдим..”деб ёзадилар.

Имомо ал Бухорий 10 ёшларидан ҳадислар жамлашга бошлаганлар. У киши 600 минг ҳадисни ёд билганлар. У киши “Амирул Мўминин” (Ҳадис илмида мўминларнинг амири), “Шайхул-ислом” (мусулмонлар устози), “Имомуд дунё (Дунёдаги барча мўминлар имоми) деган шарафли номларга сазовар бўлганлар. У киши тарафидан 700 мингдан ортиқ ҳадис жамланиб ҳар бир ҳадиснинг биринчи қисми кимдан бошланиб расулуллох (а.с.) бориб тақалишини ва ҳадисни матинини ёддан билганлар. Ана шунга ҳадислардан 7275 тасини Пайғамбаримиздан келиб чиққанлиги учун “Ал-Жомий ас-Саҳих” китобига киритганлар.

Имом Бухорий ислом маънавияти учун жуда катта хазина қолдирганлар. Булардан энг йириклари “Ал-Адаб ал Муфрид”, “Ат-таърих ал-Кабийр”, “Ат-таърих ал-Авсат”, “Ат-таърих ас-Сағийр”, “Аз-Зуъафо”, “Ал-мунад ал Кабийр”, “Ат-Тафийр ал-Кабийр”, “Ал-Ашриба”, “Ал-Ҳиба”, “Ал-Вухдан”, “Ал-Мабсут”, “Ал-Илал”, “Ал-Куна”, “Ал-Фавоид”, “Қазойос-саҳоба” асарларидир.

Имом Бухорийнинг ислом маънавиятидаги ҳиссаларига ўз даврининг буюк уламалари юқори баҳо бериб, “Ал-Жомий ас-Саҳих”ни Қуръони Каримдан кийинги иккинчи манбаа деб ҳисобланган.

Ўзбекистон мустақил бўлгач 1998 йилда Имом-ал Бухорий ёдгорликларининг очилиши бўлди, унда 40 дан ортиқ мусулмон мамлакатлари вакиллари қатнашди. “Ал-Жомий ас-Саҳих” китобнинг 4 жилдини ўзбек халқига таржима қилиб бериши ҳам ислом динининг ҳақиқий таълимотидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Ҳадис илмининг яна бир устози Абу исо Муҳаммад ибн Исо ат Термизий 824 йилда Термиз яқинида туғилганлар.

Имом Термизий ёшлиқдан илм билан шуғулланиб, Самарқанд, Марв, Хуросон, Балхда, Макка ва Мадинада ўз илмларини ошириб ҳадис илми, қироат, ал-баён, фикҳ, тарих ахлоқ ҳақида асарлар ёзганлар.

Имом Термизийдан бизга “Ал-Жомеъ”, “Аш-шамойил ан –набавия”, “Китоб Илал”, “Китоб ат-тарих”, “Суннани Термизий” номили асарлари етиб келган.

Абу Исо Термизийнинг “Ал-Жомеъ” асарида шариат амалларидан намоз, рўза, закот, ҳаж, жаноза, никоҳ, савдо-сотик, қозилик, товон тўлаш, қурбонлик, назр-ниёз, гувоҳлик, ақиқа, хун ҳукмлар ҳақида кўрсатмалар берилган. Имом Термизийнинг “Аш-Шамойил ан-Набавия” (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) китоби бизга пайғамбар алайҳиссаломнинг кийинишлари, озодаликлари, муомилалари, турли ҳил ҳолатларда ўзларини тутишлари, фазилатлари ва ҳислатлари ҳақида бўлиб, мусулмонлар учун ибрат бўлиб хизмат қилади.

Прзидентимиз Имом ат-Термизийнинг 1200 йиллик таваллудига бағишланган анжуманга ёзган табрик хатида шундай дейди. “Бугунги кунда Термизийнинг маънавий меросилари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсида ҳам ўз аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолга давримизнинг мураккаб ва зилддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади.”

“Юртимиз тарихида ислом маънавиятига улуғ ҳисса қўшган яна бир аллома Абул Қосим Ибн умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийдир. Замахшарий 1075 йили Хоразимнинг Замахшар номли қишлоғида туғилган. Олим тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, тафсир, ҳадис, фикҳга оид эллиқдан ортиқ асар яратган. “Ал-Кашшоф”, “Ал-Муфасссал”, “Муқадиммат ул-адаб”, “Асос ал-балогъа”, “Ал-Қустос”, “Атвоқ уз-заҳаб” каби асарлари бизгача етиб келган. “Ал-Кашшоф” Қуроъни карим тафсирига бағишланган энг катта асар бўлиб, ҳозиргача араб мамлакатларининг асосий қўлланмасидир. Бу китобни Макка шаҳрида Каъба рўбарўсидаги хужрада ёзилгани учун Аз-замахшарий “Жоруллоҳ” – “Аллоҳнинг қўшниси” номини олганлар.

Бутун мусулмон олами Замахшарийни “Устоз уд – дунё” (Дунёнинг устози), “Устоз ул-араб валажам”, (Араб ва ғайриараблар устози), “Фахрухваразм” (Хоразим фаҳри) каби шарафли номлар билан атади.”⁸

ИСЛОМ ДИНИ МАЪНАВИЯТИ ВА ИНСОН АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ.

Исломда илм ва илм аҳлига муносабат

Ўтган асрларда европаликлар орасида ислом дини фикрий ҳаракат душмани бўлган, у барча имлий ва фалсафий янгиликларга қарши курашган деган нотўғри фикр тарқалган эди. Лекин, биз фалсафа тарихидан биламизки, европада дин пешволари айнан илмий янгиликларга қарши курашган. Фандаги ҳар қандай кашфиёт ерес “бидъат” деб эълон қилиниб, у олим черковга чақирилиб ундан тилхат олинар ва бошқа илмий фаолият билан шуғулланмаслик буюрилар эди, агар олим аҳдномани бузиб яна илм билан шуғулланса уни тириклай ўтда куйдирилар ёки тепалиқдан чуқурликка ташлаб ўлдирилар эди. Бу ҳолатга қараш протестантлик мазҳаби тарқалиб, бу мазҳабга кўпгина давлатлар эргашганидан сўнггина, бу ҳолат ўз кучини йўқотди. Илм ғалаба қилди лекин, баъзи илм эгалари энди диндан ҳам ўч ола бошладилар. Динга ҳурматсизлик, хатто унга жоҳиллик деб қараш пайдо бўлди. Шу тариқа диндан юз ўгириш, динсизлик яъни “атеизм” пайдо бўлди. Динни инсон ақл идрокини ишлатишга тўсқинлик қилувчи, натижада

⁸ Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий, Муҳаммад аз-Замахшарий Т.: Ўзбекистон 1998. 183 б.

жамиятни тараққиётсиз, одамларни эса оми қилиб, кўр-кўрона итоаткор қилиб қўяди деган фикрлар тарқалди.

Аммо, ислом дини мусулмонларга тараққиёт йўлидан юришни фарз қилган. Кишиларни илмга ундаган, чунки инсон шахсиятини илмсиз аниқлай олмайди, жамият ҳам тараққиётга эришмайди. Илмга қизиқтириш борасида Аллоҳ Қуръонда шундай дейди: ““Айтгин, илмлилар билан илмсизлар тенг бўла оладиларми, албатта, у ҳақида фақат ақилли кишиларгина эслайдилар”” (“Зумар” сураси 9-оят) Бошқа бир оятда илмли кишилар Аллоҳнинг ҳузурида бошқалардан кўра юқори даражада туришлари очикдан-очик айтилган: “Аллоҳ таоло сизлардан имон келтирганларни ва илмли бўлганларнинг даражасини кўтаради”. (“Мужодала” сураси, 11-оят.)

Аллоҳ ўзининг ягоналигига ҳам илмли кишиларни гувоҳ қилган. “Аллоҳ албатта унинг ўзи ягона илоҳ, ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқлигига шаҳидлик берди. Шунингдек, фаришталар ва илм эгалари ҳам бу нарсга адолат билан шохидлик бердилар” (“Оли Имрон” сураси, 18 –оят)

Бу оятда Аллоҳ илмли кишиларни шохидлигини ўз фаришталарининг шохидлиги билан тенглаштирган, бу эса илмлиkning Аллоҳ ҳузурида ҳурмати нақадар юқори эканлигини кўрсатади. Аксинча, Қуръон илмсизликни танқид қилади: “Шундай қилиб (Қуръон) Аллоҳ илмсизларнинг қалбини беркитиб қўяди” (“Рум” сураси, 59 оят). Қуръони илмнинг чегараси йўқ, эканлигини ҳам баён қилиб ўтган: “Ҳар бир илмнинг устидан ҳам илмлироқ бор”. (“Юсуф” сураси, 76-оят). Бундан мақсад шуки олимлар мағрурланиб кетмай, ўз устларида ишласинлар.

Аслида илм дегани ишларни ақл ёрдамида иш бажаришга айтилади. Ақл эса ўраганилган нарсани тушуниб олиш қобилиятдир. Қуръони барча ишларда ақлни ишлатишга чақиради, ақлни ишлатмаганларни қаттиқ танқид қилади. Қуръонда ақлга таалуқли сўзлар 50 марта ишлатилган. Ақл эгаларининг сўзи эса 10 мартадан кўпроқ ишлатилган. Шунинг ўзи ҳам Қуръонда ақлга катта эътибор берилганини кўрсатади. Қуръон ақлни улкан неъмат эканлигини баён қилади. “Албатта бу нарасаларда ақилли кишилар учун белгилар бор(“Раъд” сураси 4 оят).

Бошқа оятларда эса, ақлни ишлатмаганларни айблайди: “Аллоҳнинг ҳузурида энг ёмон жонзотлар кар, соқов, ақлни ишлатмайдиганлардир” (Анфол сураси 22-оят). “Сен уларнинг кўплари эшитадилар ва ақл ишлатадилар, деб ҳисоблайсанми. Улар худди ҳайвонларга ўхшайдилар, балки ҳайвонлардан ҳам баттардурлар. (“Фурқон” сураси 34-оят).”⁹

Бу эса исломда ақл ва илмнинг нақадар улкан баҳоланишини кўрсатади.

Ислом чақираётган илм фақат диний илм эмас балки билимсизликни тугатайдиган ҳар қандай билимдир. Диний илм ҳам, дунёвий илм ҳам инсонни олам уни яратилиши ва яратувчисини тан олиш ҳамда ўз ҳаётида манфаатдор бўлиш учун хизмат қилади. Қуръон оятларида табиий илмларни

⁹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. 125-126 б.

ўрганишга чакриқлар бор ““Рум” сурасида шундай дейилади: “Осмонларнинг ва ернинг яратилиши Аллоҳнинг аломатларидандир, шунингдек сизларнинг тилларингиз, рангларингизнинг турлича бўлишида ҳам албатта, олимлар учун аломатлар бор”. (22 оят). “Фотир” сурасида эса: “Кўрмайсанми, Аллоҳ осмондан сувни туширибди ва у сув билан ранглари турлича бўлган меваларни ўстирибди. Шунингдек, тоғларнинг ҳам ранги турличадир – оқ, қора, қизил. Одамлар, жонзотлар ва уй ҳайвонларининг ҳам ранглари турлича. Албатта олим бандалар Аллоҳдан кўрқади”. (27-28 оятлар).”¹⁰

Бу оятларда зикр қилинган “олим”лар сўзидан мурод, Аллоҳ томонидан яратилган табиатни билиш-яъни табиий илмларни ўрганишдир. “Албатта олим бандаларгина Аллоҳдан кўрқади” дейилишининг мазмуни эса чуқур илмга эга кишиларгина ер юзидаги воқийлик Аллоҳнинг мўъжизаси эканлигини тан оладилар. Қуръони кармдан кейин ҳадису шарифларда илмга алоҳида эътибор берилган.

Абу Лайс Самарқандий атадилар: “Пайғамбар (с.а.в.) дан эшитдим: “Ким илм талаб қилинадиган йўлни тутса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлларида бирин енгил қилиб қўяди ва Аллоҳнинг малоикалари толиби илм учун қанотларини унинг қилаётган ишидан рози бўлиб қўядилар, олим учун осмон ва ердаги ҳамма нарсалар, сувдаги балиқларгача истиғфор сўрайдилар. Олимнинг обиддан (мутаасиб диндордан) афзаллиги бадр (тўлин ой) кечасидаги ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Олимлар Пайғамбарларнинг меросихўрларидир. Пайғамбарлар динор-дирҳам мерос қолдирмадилар. Илмни мерос қолдирдилар. Ким уни олса, катта насиба олибди.”

“Абдуллоҳ Ибн Масуд (р.а) айтадилар: “Икки очкўз ҳеч тўймайди. Толиби илм ва дунё талаб қилувчи. Улар баробар эмаслар. Илм толиби Аллоҳнинг розилигини зиёда қилайверади, аммо дунё толиби туғёнда зиёда бўлаверади”.

Анас ибн Моликдан (р.а) ривоят: Пайғамбар (с.а.в) айтадилар: “Ким дўзахдан озод қилинганларга қарашни яхши кўрса, илм олувчиларга қарасин. Қайси бир таълим олувчи олимнинг эшитишга келса, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир қадамига бир йиллик ибодатни ёзади ва ҳар бир қадамига жаннатдан бир бино барпо қилади. Кечаси ва кундузда гуноҳлари кечирилган ҳолда бўлади. Унга малоикалар гувоҳлик берадилар ва “Ана улар Аллоҳнинг дўзахидан озод қилган бандаларидир”, деб айтадилар.

Пайғамбар (с.а.в) дан ривоят қилинади. У зот (с.а.в.) масжидга кирдилар у ерда 2 мажлисни кўрдилар, биттаси Аллоҳни зикр қилаётганлар, иккинчиси фикҳдан таълим олаётганлар эди. “2 мажлис ҳам яхшилиқдир, аммо биттаси иккинчисидан афзалроқ. Ана улар Аллоҳга дуо қилишяпти, Аллоҳ ҳоҳласа беради, ҳоҳламаса маън қилади. Ана улар эса илм ўрганишяпти. Мен ҳам муаллим қилиб юборилганман ва булар афзалроқдир”. Дедилар сўнг (таълим олаётганлар билан ўтирдилар.)

¹⁰ Ўша жойда 135 б.

Абу Дардо (р.а.) айтадилар: “Бир масалани ўрганмоғим менга кечаси туриб ибодат қилишдан яхшироқдир”.

Абу Лайс Самарқандий дейдилар: “Олимнинг сиёҳи томчиси шаҳиднинг қони билан тенгдир”.

Ибн Муборак (р.а) дан: “Агар сизга Аллоҳдан, бугун пешингача ўласан деган хабар келса ўша куни нима амал қилар эдингиз?” деб сўрашди. У зот: “Илм талаб қилардим “деб –жавоб бердилар.

Анас ибн Молик (р.а) айтадилар: “Илмни Хитойда бўлса ҳам талаб қилинглари, чунки илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага фарздир”.

Фақиҳ абу Лайс Самарқандий айтадилар: “Ким олимнинг олдига келиб, у билан бирга ўтирса, унинг илмини эгаллашга қодир бўлмаса ҳам унга етти яхшилик беради.”

Пайғамбар (с.а.в) дедилар: “Дунё ва охират эзгуликлари илм биландир, ҳамда дунё ва охират шарафи ҳам илм биландир”. “Уламоларни зиёрат қилиш анбиёларни зиёрат қилишдан ортироқдир”¹¹

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшларнинг илм олишлари учун барча имкониятлар яратилган ва уларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш учун барча шароит мавжуд бўлган бир чоғда, ўзларини диндор мутаассиб деб фараз қилиб қиз фарзандларини мактаб ва касб хунар коллежларига ўқишга жўнатмай ўрантириб уйда ўтказиб қўяётган ота-оналар, ёки турли илм даргоҳларида ўқиб туриб, бошига оқ дўппини кийиб илмни ташлаб, жума намозига кетиб қоладиган ўғил фарзандлар илмдан юз ўгиришнинг нақадар гуноҳ эканлигини билиб олгандилар.

Инсон маънавий камолотида ислом динининг ўрни.

Инсоният пайдо бўлган илк даврдан бошлаб уни ҳозирги давргача бошқариб келаётган, тузумлар, даврлар ўзгаришига қарамасдан жамиятда сақланиб келаётган ҳар доим инсоннинг ва инсониятнинг асосий талабларидан бири бўлган келаётган ходиса ахлоқдир. Ахлоқнинг энг оддий таърифи кишиларнинг нима яхши-ю, нима ёмонлигини яъни нимани қилиш лозиму, нима қилмаслик кераклигини билишларидир. Ахлоқли киши ўзинининг ҳар бир хатти харақатини кузатиб боради, ўз ҳаётида қандай ғояларга суяниб яшашлигини нималарни бажариши лозимлигини билади. Оқибатда ахлоқли киши ўзини ўзи англайди ва ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри бошқаради. Шунинг учун ахлоқ ёлғиз кишилар учунгина эмас балки бутун жамият учун ҳам бирдек муҳимдир. Айни пайтда, жамиятдаги айрим бир кишининг ахлоқсизлиги ҳам бутун бир жамиятга зиён келтириши мумкин. Масалан бирор одам жамиятда ёлғончи, фирибгар, маккор бўлса ҳам у ўзининг бундай ахлоқсиз сифатлари билан бошқаларга зарар етказади, азият беради, шу тариқа жамиятга ҳам зарар келтиради.

¹¹ Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (ишончли тўплам), 4 жилдлик Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999. 45-53 б.

Ислом динида ахлоқ энг юқори даражага қўйилиб, ислом дининг бутун мазмуни ва унинг ҳуқуқий асослари ахлоқ асосида қурилган. Айни пайтда ислом ахлоқи бу умуминсоний ахлоқдир.

Исломда улуғ саналган ахлоқий фазилатлардан бири сабрдир. Инсоннинг ҳаёти ҳеч қачон бир текис бормайди: баъзи кунлари иши ўнгидан келиб ўзини омадли хурсанд ва бахтли сезса, баъзи кунлари мутлақо бебахт, омадсиз ва ғариб сезади. Қўпинча ана шундай омадсиз кунларда ёшлар ўзларини бутунлай ожиз, нотавондек ҳис қиладилар ва ҳар ҳил нотўғри йўллар билан бу ҳолатдан чиқмоқчи бўладилар.

Лекин, бу ҳолатга биз оддий тафаккурнинг, сабрнинг кўзи билан қарайдиган бўлсак, ҳеч нарса ҳаётда абадий эмаслигини, шодлик хурсандчиликнинг ниҳояси бўлганидек, ғам ва ташвишнинг ҳам ниҳояси борлигини ва улар ҳам бахтиёр кунлар билан алмашувини англашимиз мумкин.

Ислом дини сабрни ахлоқий фазилатларнинг энг муҳими сифатида, инсоннинг руҳий таянчи деб ҳисоблайди. Сабр инсонни қалбига хотиржамлик, сокинлик ва руҳий барқарорлик бериб, уни аламли ярасига малҳамдек таъсир қилади.

Сабрли киши қийинчиликларни Аллоҳдан деб билиб уни сабот билан қарши олади. Чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрилса ҳар бир қийинчиликларнинг ортида ажойиб бир хикматлар ётади. Қуръони Каримда сабрга катта эътибор берилиб 70 жойида зикр қилинган. Бошқа ҳеч бир инсоний фазилатга бунча кўп тўхталмаган. Чунки сабр барча фазилатларнинг онаси ҳисобланади. Инсондаги ҳар бир фазилат сабрга мухтождир. Масалан, илм олишда тоқат, меҳнат билан натижага эришиш учун машаққат чекиш, ўз мавқеини ошириш учун тинмай ўз устида ишлаш учун ҳам сабр зарур. Шунингдек, ифбатли бўлиш учун теварани қуршаб турган беҳаёликларга сабр, урушқоқ бўлмаслик учун турли ноҳақлик ва жаҳлга сабр ва ҳоказо. Шунинг учун Оллоҳ сабрлиларни яхши кўради ва улар Оллоҳнинг фазлу-марҳаматига у дунёю, бу дунёда сазовор бўладилар. ““Албатта сабрлилар ўз савобларини ҳисоб-китобсиз тўлиқ оладилар.” (“Зумар” с. 10-оят), “Албатта биз сабрлиларни мукофотини улар қилган ишларнинг яхшисига қараб берамиз.” (“Наҳл” с. 96-оят), “Сабр қилганликлари учун уларга жаннатни ва ипак кийимларни мукофот қилиб берди.” (“Инсон” с. 12-оят).”¹²

Қуръони Каримда ўргатилган сабрли, саботли бўлиш, ҳақиқатга етиш йўлида ёмонликни йўқотиш, қийинчиликларга бардош бериш, одамларнинг озорларига чидаш, камбағаллик, касаллик ва яқин кишисини йўқотиш каби мусибатларга чидашдан иборатдир.

Юқоридаги оятларда Қуръон сабрли кишиларда уч ҳислат бўлиб, у ҳислатлар улардан бошқаларда бўлмаслигини айтади.

Биринчиси – уларга Оллоҳнинг мағфиратли бўлишлигидир, бу улар учун икки дунё мактовидир.

¹² Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. 136- 142 б.

Иккинчиси – Оллоҳнинг раҳмати бу етган мусибатнинг ўзи ҳам Оллоҳнинг лутфи ва эҳсонидан эканлигини билдиради.

Учинчиси – улар ҳидоятда юрган кишилар эканлиги. Мусибат чоғида киши ўзини қандай тутиши керак бўлса шундай тутганликлари. Уларга мусибат таъсир қилиб, орзу-умидларини йўқотмаганлиги.

Авф ҳам мактовга сазовор сифатлардан бўлиб, бундай фазилатга эга инсон юқори мартабаларга етади. Чунки, авф катта ақл эгаси бўлган, бошқаларнинг душманлиги ва озорларига сабр қила оладиганларда бўлади. Бировга душманлик фақат қалби қора одамлардагина бўлади, шунинг учун ҳам биз авф этишни билишимиз лозим чунки, кўпинча ўзимиздан ҳам ҳатоликлар ўтиб бошқаларни кечиришига муҳтож бўлиб қоламиз.

“ Қуръонда “Авф қилмоғингиз, кўнгилни кенг тутмоғингиз ва кечирмоғингиз яхшидир. Албатта Оллоҳ кечирувчи ва раҳмдилдир.” (“Тағобун” с. 14-оят) деб авф макталади.

Оллоҳ одамлар ёмонлик қилсалар, яхшилик билан қарши олишни уқтирган. Чунки шундай қилиш, уларнинг қалбидан душманликни чиқариб, ўрнига муҳаббат киришига сабаб бўлади. “Яхшилик билан ёмонлик тенг эмас. Сен яхшилик билан қайтар, шундай қилсанг, сенга душманлик қилаётган ҳудди содиқ дўстингдек бўлиб қолади.” (“Уссилаат” с. 34-оят)

Баъзи бир қалби қора кишилар ўзига ёмонликни касб қилиб олган бўлади. Ислом бу ҳолнинг ҳам иложини топган. Ундай кишиларга, ҳудди ўзи қилганидек, ҳаддан ошмасдан муомала қилиш керак. Шунда ҳам авфни эсдан чиқармаслик лозим. Қуръонда “Агар бировга иқоб (азоб) бермоқчи бўлсангиз, сизни қандай азоблаган бўлса, уни ҳам ҳудди шундай қилинг. Агар сабр қилсаларингиз яхши бўларди.” (“Наҳл” с. 126-оят).

“Ёмонликни жазоси, ўзига ўхшаган ёмонликдир. Ким авф қилса ва яхши ишларни қилса, савобини Оллоҳнинг ўзи беради. Албатта, Оллоҳ золимларни ёқтирмайди.” (“Шўро” с. 40-оят).”¹³

Ислом кўзда тутган авф мана шулардан иборат. Аммо Инжилда авф жуда зийнатлаб берилади. Шунинг учун “Ўнг юзинга тарсаки туширса, чап юзингни тутиб бер” деган Инжил таълимотидан Қуръондаги авф саҳоватлидир. Маданиятли халқларнинг алоқа бобида ўзига яраша баъзи одоб ва одатлари борки, улар доим шу нарсага амал қиладилар. Ислом инсон учун зарур бўлган барча моддий ва руҳий нарсаларни тўлиқ бериш билан бирга, ахлоқ ва одоб бобида ҳам, камолотнинг олий даражасига етказувчи фазилатларни тавсия этиди. Ислом жорий этган одоблардан бири – саломлашишдир. Қуръоннинг “Нисо” сураси 86-оятида “Агар сизга салом берилса, сиз ундан яхшироқ, ёки ҳудди ўзидек қилиб жавоб қилинг” дейилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ривоят қиладилар: “Ассалом Оллоҳ Таолло исмларидан биридир. Ўзаро салом беришга одат қилинг. Салом берган ва саломга жавоб берган ҳар бир мусулмонга фаришталар етмиш марта саловот

¹³ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. 125, 183 б.

юборадилар. Бир-бирини кўриб саломлашмаган ва саломга жавоб бермаган мусулмонга улар етмиш марта лаънат юборадилар.”

Салом бериш одобига кўра юриб кетаётган ўтирганларга, кичиклар катталарга, уловдагилар пиёдаларга салом беришлари лозим. Йўлда, орқада келаётганлар олдинда кетаётганларга салом бериши керак. Ҳар қачон уйга кираётганда ҳам салом бериш лозим, ҳатто уйда одам бўлмаса ҳам, фаришталар алик оладилар. Уйда ёш бола бўлса ҳам салом берилса ундан баракот ҳосил бўлади.

Ҳар бир мусулмон сўзни саломдан бошлаши зарурдир. Жамоат аҳлига салом берилганда ҳаммаси алик олгани маъкул чунки, салом суннат, алик эса фарздир. Агар бировдан кимдир салом келтирса ёки мактубнинг охири ёки бошида салом бўлса, дарҳол алик қайтармоқ лозим.

Баъзи ҳолатларда салом берилмаслиги лозим, қори Қуръон тиловат қилаётган жойда, сабоқ берилаётган жойда, ва ноқулай вазиятларда.

Салом берилмайди: Шахмат, нард, қимор, карта ва бошқа ўйин ўйнаётганларга, ўйин-кулгу қилаётганларга, ёлғон қиссахонга, бемаъни, беҳаё ҳажв сўзловчиларга, аёлларни томоша қилиш учун йўл четида ўтирганларга, муғаннийларга, йўловчиларга қараб ўтирганларга, бозорда овқатланаётганларга, аҳли бидъатларга салом бериш вожиб эмас. Агар бир кишига салом берилса ва у алик олмаса ўрнига фаришталар алик оладилар ва алик олмаган кишини лаънатлайдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларга: “Мен сизларга қилсаларингиз бир-бирингизни яхши кўрадиган ишга буюрайми?” – дедилар, саҳобалар – “Ҳа эй Расулуллоҳ (с.а.в.)” – дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) – “Ораларингизда саломни ёйинглар” – дедилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) – “Салом берсаларинг эшиттириб беринглар, алик олсаларинг ҳам эшиттириб олинглар” деб айтганлар.

Ибн Аббос (р.а.) “Ҳар нарсанинг ниҳояси бор, саломнинг ниҳояси баракотдир” деб айтганлар.

Ислом дини ўзаро муомала маданиятига ҳам катта эътибор беради. Абу Лайс Самарқандийга кўра кишилар ўзаро муносабатда мулоим сўзли, очиқ юзли бўлиши керак. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам, бидъатчига ҳам, бошқа диндагиларга ҳам, суннатга амал қилган мусулмонга ҳам бир хилда хушмуомалада бўлавериш керак. Чунки, “Қуръоннинг Тоҳа сураси 44-оятида Мусо ва Хорун (а.с.)га Фиръавнга юмшоқ сўз сўзланглар деб буюрилди.”¹⁴ (Изоҳ: ҳеч ким Мусо ва Хорун (а.с.)дан афзалроқ эмас ва ҳеч ким Фиръавндан ёмонроқ эмас.)

Оллоҳ “Инсонларга чиройли гапиринглар” деб буюрган, “Инсонлар” дейилганда яҳудий ва насронийлар ҳам назарда тугилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Сизлар инсонларга молларинг билан кенглик қила олмасаларинг, очиқ юз ва чиройли хулқларинг билан кенглик қилинглар.” деганлар.

Умар (р.а.) “Ким биродари билан дўстлиги соф бўлишини хоҳласа, уни яхши кўрган исмлари билан чақирсин, унга йўлиққанда салом берсин ва

¹⁴Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. 153, 178, 215 б.

мажлисда унга кенглик қилсин яъни дарров жой берсин.” дедилар. Набий (с.а.в.) Оиша (р.а.)га “Қўпол бўлма, кимда қўполлик бўлса у ёмон одамдир.” дедилар.

Яхшиликдан олидин яхшилик қилиш фазилат, яхшиликдан кейин яхшилик қилиш мукофот, ёмонликдан кейин яхшилик қилиш улуғлик, ёмонликдан олдин ёмонлик қилиш жабр-зулм, ёмонликдан кейин ёмонлик қилиш тенглашиш, яхшиликдан кейин ёмонлик қилиш маломат ва шумликдир.

Киши ўзидан каттанинг ҳурматини билиши ва улуғлаши лозим. Чунки, Набий (с.а.в.) “Қайси йигит қари кишини улуғласа, Оллоҳ уни қариганида ҳурмат қиладиган йигитга йўлиқтириб қўяди” деганлар. У киши яна “Каттамининг улуғламаган, кичигимизга раҳм қилмаган биздан эмас” деганлар. Абу Лайс Самарқандий айтадилар “Биродар ва дўстларни зиёрат қилиш яхши ва савобли ишдир. Бу билан дўстлик зиёда бўлади.” Абу Умома Боҳилий “Бир мил юриб касални заёрат қил, икки мил юриб дўстингни зиёрат қил, уч мил юриб икки кишининг орасини ислоҳ қил” дедилар.

Юқорида келтирилган фикрлар ислом динининг инсон камолотига йўл очиб берадиган инсоний фазилатларнинг бир қисмигина холос. Лекин, чуқур мушоҳада юритилса бу фазилатлар орқали инсон жамиятда обрў ва кишилар ўртасида ҳурматга эга бўлишини билишимиз мумкин. Ҳозирги пайтда ўзини “исломий” деб ҳисоблаётган баъзи ёшларнинг очикдан-очик, замонавий, зиёли, илғор кишиларга беписандлик билан қараётганлиги ислом маънавиятини бутунлай нотўғри талқин қилиб кишиларни кийимига қараб гуноҳкор деб баҳо бераётганлиги уларни ислом ахлоқидан мутлақо беҳабарлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда диний кадриятлардан, айниқса, одоб, ахлоқ борасида ислом дини таълимотидан оқилона, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ислом динида нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, ҳозирги пайтда ҳам ўз қимматини тўла сақлаб келаётган энг муҳим ахлоқий қоидалар, фалсафий фикр-мулоҳазалар беҳисоб. Ислом одамларни динидан, миллатидан қатъи назар ўзаро ҳурмат иззатда бўлишга, бир-бирларларини доимо қўллаб-қувватлашга ундайди. Миллат ажратиш, бошқа миллат вакиллари камситиш тушунчалари ислом динига тамомила ёт. **“Ислом дини-бу ота-бобларимиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик, -дейди И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маърузасида, – у қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар”¹⁵.**

Совет ҳокимияти йилларида, ислом динининг кучайиши пировардида ислом миллатчилиги кучайишига олиб келади, жуда ижтимоий заминга эга бўлган ислом миллатчилиги аҳолини рус халқига, совет сиёсий тузмига қарши курашаоладиган ва уни ларзага келтириадиган кучга айлантириши мумкин, деган ҳадиксираш ва баҳоналар билан миллий ва диний кадриятларимизга қарши кураш авж олдириб юборилди. Ислом дини, шу тариқа, халқ учун афюн, деб қораланди. Ислом дини, табиат, жамият, тафаккур тўғрисидаги илмий далилларга бутунлай зид бўлиб, мазлумлар онгини заҳарлайди, деб келинди. Ҳамма жойда ва ҳар доим, диний нормалар, қоидалар, дастурлар эркин фикр юритишга йўл қўймайди, ижтимоий ва шахсий ҳаёт тараққиётига тўсқинлик қилади, уларни диний йўл билан чеклаб қўяди, деган ғоя зўр бериб ёйилди. Қуръони карим ва Ҳадиси шариф сингари муқаддас китоблар таъқиб остига олиниб қатағон қилинди. Одамларни ана шу кадриятлардан маҳрум этишди. Ўзбекистондаги барча динларнинг, биринчи навбатда, ислом дининг кўзга кўринган йирик вакиллари биринкетин қамалди, сургун қилинди, ими-жимиди отиб ташланди. Сиёсий таъқиб ва тазйиқлардан насроний ва яҳудий динларига қараганда ҳам ислом дини кучлироқ талафот кўрди. Дин пешволари, руҳонийлар жуда кўплаб имтиёзлардан маҳрум қилинди, мол-мулклари тортиб олинди, ижтимоий, сиёсий, тарбиявий, маърифий ишлардан бутунлай четлатилди.

Чорак кам бир аср давомида диний-маънавий тарбияга ўрин берилмади. Диний тарбия тор доирада, фақат масжидлардагина қисман амалга оширилди. Диний ахлоқ ва маданиятнинг зарари ҳақида айтмаган гап

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: «Ўзбекистон», 2005.-160 б.

қолмади, миллий удум ва анъаналар, миллий қадриятлар камситилди, энг муҳим инсоний муносабатлар обрўсига путур етказилди.

Даҳшатлиси шу бўлдики, ислом динини “фош этиш” мақсадида азиз-авлиёларнинг мазорларига ўт қўйилди, мақбаралари остин-устун қилинди. Коммунистлар, раҳбар ходимлар ота-оналари, қавм-қариндошлари жанозасига боришдан қўрқиб қолишди. Юрак ютиб борганлар эса партиядан ўчирилиб, ишдан олинди.

Маданий инқилоб даврида “Худосизлар жамияти” тузилиб, унга минглаб одамлар аъзо бўлишган. Ўша “фаёллар” одамларни гўё, диний сарқитлардан озод қилиш ва даҳрийлик руҳида тарбиялаш баҳонасида қари-қартанглар, хотин-қизлар, муллалар, эшонларнинг нафсониятларига шу қадар қаттиқ тегишган, инсоний шаъни, миллий диний, ахлоқий қадриятларини топтаганларки, буни тарих унутмайди.

“Халқ ўртасида даҳрийликни тарғиб қилиш ва динга қарши мурасасиз курашиш ниқоби остида ўрта аср меъморчилигининг такрорланмас наъмунаси бўлган минглаб масжидлар, юзлаб мадрасалар, халқимизнинг миллий ғурури ҳисобланган мухташам қасрлар, тарихий обидалар, хонлар, амирлар саройлари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ваҳшийлик ва ёвузлик билан бузиб ташланиб, омборхоналарга, пахта қуритадиган жойларга айлантирилган. XX аср бошида биргина Тошкент шаҳрининг ўзига 349 та масжид ва 17 та мадраса бўлган. Ҳозир қани ўша бинолар? Улардан айримларигина сақланиб қолган, холос.

Булар камлик қилганидек, неча-неча асрлардан бери авлодларимиз томонидан кўз қорачиғидек авайлаб-асраб келинган, халқимиз турмуш тарзининг таркибий қисмига айланиб кетган ҳақиқий ҳақчил урф-одатлар, халқ маросимлари ва байрамлари, турли сайиллар сўраб-суриштириб ўтирмай тақиблаб қўйилди. Никоҳ ва бешик тўйлари, ҳосил байрами, қовун сайли, гул сайли, гап-гаштаклар, кўпқари, келин саломлар, қизлар базми ва хаттоки, миллий либос кийиб юришлар “эскилик сарқити”га чиқарилди.”¹⁶ Кўкламда сумалак пишириш, болаларни суннат тўйи қилиш, ақиқа, бошқа маросимларни ўтказиш қораланди. Диний маросим сифатида Наврўз байрамини ўтказиш таъқиқланди. Ҳолбуки, унинг ҳеч қандай диний маросимга алоқаси йўқ. Ахир, у халқнинг исломдан анча илгари мавжуд бўлган ажойиб удуми-ку?

Собиқ СССР ўзини бутун дунёга даҳрийлар мамлакати, деб эълон қилди. Динсизлик юқумли касалликдай ҳамма жойда ёйилди. Одамлар секин-аста диндан, диний иймон-эътиқоддан йироқлаша бошлади. Ислом динига қарши узоқ йиллар давомида олиб борилган кўр-кўрона, бир ёқлама курашдан, ғайрилмий, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлардан халқимиз ва маданиятимиз беҳад зарар кўрди, одамларнинг дили ранжиди, кўнгли ўксиди. Ҳолбуки, ислом динининг ҳар бир ояти ва сурасида инсоният манфаатига хизмат қиладиган қимматли ўғитлар, йўл-йўриқларни истаганча топиш

¹⁶ Закурлаев А. «Ғоялар кураши». Тошкент Мовароуннаҳр, 2000. 63 б.

мумкин. Ҳадиси шарифда, кимки мусулмон мамлакатада яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ясалган қамчи билан урилади, дейилади. Таъкидланишича, мўмин муминнинг кўзгусидир, уларнинг ҳаммаси бир-бирларига биродар, бири иккинчисидан ортиқ, кам эмас. Мўмин-мусулмонлар ҳамма соҳада бир-бирига ўзаро ёрдамлашади, мол-дунёси ва обрўсини ҳимоя қилади, бирининг камчилик ва нуқсонини бошқаси тузатади. Мўмин муминнинг молу жонига тажовуз қилмайди.

Исломда мамлакатлараро можаролар, қонли тўқнашувлар каттик қораланади Табиатга меҳр-муҳаббат, теварак-атрофни, сувни, ҳавони, тупроқни, ҳайвоноту набототни асраб-авайлаш исломнинг энг асосий ғоятларидан биридир. Биз яшаётган заминдаги, ер юзидаги барча ноз-неъматнинг қадрига етиш инсоннинг бурчи. Табиий неъматларни эъзозлаш уларни авайлаб-асраш, исроф қилмаслик асосида амалга ошади. “Қуръон” оятларида, Пайғамбаримиз Ҳадисларида ҳайвонот олами, наботот олами ва атрофимизни ўраб турган бошқа барча нарсаларни тўла-тўқис ҳимоя қилиш, сақлаш, уларни бузмаслик, исроф қилмаслик тўғрисида таълимотлар борки, уларнинг маъноси билан танишиб, бу таълимотлар гўё, ҳозирги кунимизни кўзлаб айтилгандек.

Жамики табиий бойликларни, дов-дарахтларни авайлаш масаласида ислом динида баён этилган энг зарур, энг фойдали йўл-йўриқлар, бебаҳо ўғит ва ғоялар умуминсоний қадриятлар ҳисобланиб, у миллат танламайди. Унда алоҳида таъкидланишича, қайси бир мўмин бирор экин экса ёки ҳайвонлар еса, бу унинг садақа ҳукмида бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкуриси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний таъшилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрир). Ўзбекистонни янги қонунлари.-Т. 19, Т.: «Адолат», 1998.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари.-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
8. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда.-Т.: 1999.
9. Каримов И.А. «Ислом зиёси-ўзбегим сиймоси»да-Тошкент Ислом университети, 2005.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. Т.: «Ўзбекистон», 2005.-48 б.
11. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: «Ўзбекистон», 2005.-160 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон».-96 б.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Ўзбекистон”2008 й.
14. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.
15. «Авесто» китоби-тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи мазмунидаги илмий-амалий семинар материаллари. Т.: 2000.
16. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. Т.: ЎЗМУ, 2004.-208 б.
17. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. –Т.: 1992.
18. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (ишончли тўплам), 4 жилдлик Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1991-1999.
19. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий. А. Абдулло таржимаси. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
20. Аҳмад Яссавий Ҳикматлари. Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-256 б.
21. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т.: 1968.

22. Буюк сиймолар, алломалар: Ўрта Осиёлик машхур мутафаккирлар ва донишмандлар. К. 1. Т.: «Ўзбекистон», 1995.-101 б.
23. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. «Тошкент Ислам университети» нашриёти-матбаа бирлашмаси. Т.: 2005.
24. Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. Т.: «Ўзбекистон», 1990.
25. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида). «Тил ва адабиёт таълими» журнали, 2-сон, 1992.